

Салиб юришлари - Гарбий Европа рицарларининг мусулмон, православ давлатлари ва турли хил христиан мазхабларига карши олиб борган давомий юришлари. Салиб юришларининг максади Фаластинни, биринчи навбатда, Куддусни салжукий турклардан озод килиш эди. Бирок салиб юришлари кейинчалик Балтикбўйи мажусийларини христианлаштириш. Европада папа хукуматига карши харакатларни бостириш ёки папаларнинг сиёсий максадларини амалга ошириш воситаси бўлиб колди.

«Салибчилар» атамаси, салиб юриши иштирокчилари ўз кийимларига салиб (хоч, крест) тикиб олишгани учун, пайдо бўлган. Юриш катнашчилари гунохлардан покланади деб хисоблангани боис, юришда нафакат рицарлар, балки оддий ахоли, хаттоки болалар катнашган.
Фаластин узок даврдан бери араб давлатлари хукми остида эди, улар христианларга багрикенглик билан муносабатда бўлишган. Фаластиндаги христианлар учун мукаддас саналган масканларни зиёрат килишларига монелик килишмаган. Салжукий туркпар эса бунга йўл кўймаган. Энди христианлар учун Куддусга бориш олдингидек хавфсиз бўлмай колди. Рим папалари Фаластинни Салжукийлардан тортиб олишмаса, зиёратгохларга бориш умуман тўхтаб колишидан хавфсирашди.
Салиб юриши Рим папаси Урбан II ташаббуси билан Куддус ва Фаластинни мусулмонлардан озод килиш максадида амалга оширилган. Дастлаб папанинг мурожаати факат француз рицарларига каратилганди, лекин кейинчалик катта масштабдаги харбий кампанияга айланиб кетди. Салиб юриши гояси барча Гарбий Европа давлатларини камраб олди.
Салиб юришининг сабабларидан бири Византия императори Алексей I нинг Рим папасидан ёрдам сўраши эди. Бир неча аср Византия гарб христианлари учун жанговар мусулмонлар хужумларидан ажратиб турадиган буфер зона бўлиб келди. Бирок 1071 йилдаги Манцикерт жангида енгилган империя Кичик Осиёдаги катта худудидан ажралди. Магрур Византия мукаррар халокатдан кутулиш учун Рим папасидан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Биринчи салиб юришидан олдин Анатолиянинг катта кисми исломнинг суннийлик йўналишидаги Рум салжукийлари хукми остида эди. Христианлар

билан курашишга караганда салжукийларни ички кўзголонларни бостириш, тахт талашишлар, шиаларнинг исёнлари каттик ташвишга солარди. Фаластинни марказий хокимиятдан деярли мустакил амирлар бошкарарди. Мисрнинг катта кисми шиа йўналишидаги фотимийлар сулоласи кўлида бўлган. Салжукийлар фотимийлар худудининг бир кисмини босиб олишди. Шунинг учун Алексей Комнин салибчиларга фотимийлар билан иттифок тузишни маслахат берди. 1076 йили салжукийлар Куддусни эгаллаган бўлсада, 1098 йили фотимийлар шахарни кайтариб олди. Шиалар салибчиларни дахшатли душмандан куткарувчи халоскор деб биларди. Лекин уларнинг хомхаёллари кимматга тушди.
Ўша даврда Гарбий Осиёдаги мусулмон давлатлари тахминан бир вактда ўз рахбарларини йўкотиб кўйишди. 1092 йили салжукий султон Маликшох, вазир Низомулмулк, 1094 йили Багдодда Ал-Муктадий ва фотимий Ал-Мустансир вафот этди. Бу вокеалардан сўнг Мисрда тахт учун кураш, Салжукийлар давлатида айирмачилик харакатлари авж олди, Сурияда ўзаро урушувчи майда давлатлар вужудга келди. Юриш бошлангач, Византияга ёрдам бериш иккинчи даражали масалага айланди. Урбан истило килинажак ўлкалар ахолисини катл этиш ва талашга рухсат берди. Унинг фикрича, курбонлар динсиз хисобланарди.
Испаниядаги реконкиста харакати, Сицилиянинг норманлар томонидан босиб олиниши ва Шимолий Африка киргокларига боскин уюштириши Гарбий Европанинг XI асрдаги ташки сиёсатини белгилаб берарди. Биринчи бўлиб Куддусни турклардан тортиб олиш гоясини Рим папаси Григорий VII илгари сурди ва юришни ўзи бошкаришни хохлади. Унинг чакирувига 50 мингга якин киши кулок осди. Лекин Германия императори билан кураш папанинг гояларини амалга оширишга тўскинлик килди. Григорийдан кейинги папа Виктор III ўтмишдошининг гоясини давом эттириб салибчилар гунохини кечишини маълум килди, бирок юришда ўзи катнашмаслигини таъкидлади. Мусулмонларнинг денгиздан бўладиган боскинларидан азият чекаётган Пиза, Генуя ва Италиянинг бошка денгизбўйи худудлари ахолиси флотни жихозлаб Африка сохилларига юриш бошлашди. Боскин давомида Туниснинг иккита шахрига ўт кўйилди, лекин мазкур юриш оммани ўзига жалб этолмади.
1095 йил мартда Урбан II Пьяченца соборида катнашди. Бунда христианларга тааллукли масалалар кўрилган, йигин сўнгида салиб юришини уюштириш хакида гап борган. Ўша йил ёзида папа Жанубий Францияда бўлди. 18 ноябрда эса Клермонда собор чакирилди. Унда христианларга оид барча масалалар кўриб чикилди, жумладан, кирол Филиппнинг черковдан четлатилиши хам. Охирида салиб юришини ташкиллаштириш масаласи ўртага ташланди. Биринчи салиб юриши 1095 йил 26 ноябрь куни Франциянинг Клермон шахри соборида Рим папаси Урбан II томонидан эълон килинди.
Оммавий салиб юришига таргиб этган киши пикардиялик тарки дунё килган хеч вакосиз Пётр Амьенский бўлди. Патриархдан ижозат олгач Пётр Римга папа Урбан II хузурига ёрдам сўраш учун борди. Кейин оёкяланг, бошяланг холатда бутун Европани кезиб чикди. Голгофда бўлганини ва махаллий христианларнинг ахволини кўриб бу холатдан каттик азият чекаётганини айтарди. Шунингдек, тингловчиларга Куддусни озод килиш зарурлигини уктирарди. Оддий халк гапдонлигига махлиё бўлиб уни авлиё сифатида кўра бошлади. Хаттоки эшагининг жунидан киркиб олишни улкан бахт деб билишди. Шундай килиб, гоя кенг омма орасида таркалди. Кейинчалик Пётр Амьенскийнинг Фаластинда умуман бўлмагани ойдинлашди. Вальтер Готшальк номли киши эса бошка худудларда одам йигишга киришди. Кишнинг охирига бориб 15 минг кишини тўплай олди.

Аввал Пётр билан биргаликда харакат килди, кейинрок ундан ажраб франк, шваб ва лотарингияликлардан иборат улкан оломон тўплади.
**Оломоннинг салиб юриши** (1096 йил апрель - октябрь) биринчи салиб юришининг илк боскичи бўлиб, юриш 1096 йил апрелидан октябригача давом этди. Юриш Урбан II нинг 1096 йил 15 августдаги кароридан бир неча ой аввал бошланган. Салиб юриши ўтказилиши арафасида Европани ўлат ва очарчилик ларзага солганди. Натижада кўплаб кишилар кашшоклашган, улар салиб юришида катнашишни иктисодий холатларини яхшилашнинг бирдан-бир йўли деб билардилар. Бундан ташкари, 1095 йилдаги ой тутилиши, метеор ёмгири ва бошкаларни юришнинг муваффакиятли бўлишига ишорат сифатида кабул килишди. Салиб юриши Гарбий Европада катта кизикиш уйготиб, турли хил манбаларда айтилишича, унда 300 мингга якин киши катнашган. Юришда хаттоки аёллар ва болалар хам иштирок этган.
Вальтер бошчилигидаги оломонда бор-йўги 8 та от бор бўлиб, колганлар эшакларда ва пою-пиёда эди. Баъзи тарихчилар мазкур юриш «ошикча томоклар»ни йўкотиш учун католик черкови томонидан уюштирилган тадбир деб таъкидлашади. Константинополгача йўлга чикканларнинг ярми хам етиб келмади.
Биринчи бўлиб салибчилар хужумига учраган кишилар, химоялари учун шахар епископларига пул тўлашларига карамай, европалик яхудийлар бўлишди. Юриш айнан шу шахарлардан бошланди. Майнц шахри яхудийлари салибчиларнинг болаларни хам аямай кираётганини кўриб оммавий равишда ўз жонларига суикасд килишди.
**Рейн.** Пётр Амьенский издошлари Руан ва Кёльн шахарларида яхудийларни катагон килди. Шунингдек, Рейн бўйидаги Трир, Майнц, Шпейер ва Вормс шахарларидаги яхудийларни хам талон-торож этишди. «Соломон бар Симеон» солномасида айтилишича, «бир киши акасини, бошкаси ота-онасини, ота-оналар боласини ўлдирарди». Махаллий рухонийлар ва хукумат вакилларининг киргинни тўхтатишга уринишига карамай, салибчилар томонидан минглаб яхудийлар ўлдирилди. Ўз килмишларини оклаш максадида салибчилар Урбан II нинг Кпермон соборида килич билан нафакат мусулмонларни, балки христианлардан бошка диндаги барча кишиларни бўйсундириш хакида сўзлаган нуткини далил килиб олишди. Черковнинг тинч ахолини киргин килмаслик ва бошка диндагиларни ўлдирмасдан уларни христианга айлантириш лозимлиги расман таъкидланишига карамай, яхудийларга карши тажовузлар барча салиб юришларида кузатилади. Европа яхудийлари салибчиларга карши туриш учун мудофаа бўлинмалари ташкил этишди ёки ёлланма кўшиндан фойдаланишди, католик черковининг махаллий иерархлари билан битим тузишди. Шунингдек, салибчиларнинг навбатдаги юришидан диндошларини, хаттоки Кичик Осиё ва Шимолий Африкадаги мусулмонларни хабардор килиб туришди. Бундан ташкари, маблаглар тўплаб салибчиларга карши фаол курашаётган мусулмон амирларининг иктисодий кувватини ошириш учун юборишди.
Салиб остида тўпланган оломон 1096 йил бахорида асосий ха-ракатга ўтди. Улар ўзлари билан таъминот захираси олишмаганди. Шунинг учун табиий эхтиёжларини кондириш учун йўлида учраган-ки манзилгохни талашди. Венгрия чегараларига якинлашишганда, одамлар у ерда эхтиёт чорасини кўриб кўйишганди. Ўрта асрларда Европадан Фаластин зиёратига йўлга чиккан зиёратчиларга бепул овкат таркатишарди. Лекин хеч вакосиз салибчилар бундай имтиёзга эга бўлмагани учун талончилик билан кун кўришдан бошка чоралари колмади.
Кирол Каломан кўшини билан чегарада салибчиларни кутарди. Агар салибчилар

тартибсизлик чикармай тинчгина Венгрия худу-дидан ўтишга рози бўлишса, уларни ўтказиб кўйиш ва озик-овкат билан таъминлаш мажбуриятини олди. Биринчи бўлиб етиб келган Готшальк бошчилигидаги оломон граф Эмикон Лейнинген бошлик гурухнинг Чехияда князь Брячислав томонидан йўк килингани хакида хабар олди. Бунинг учун ўч олишни максад килган Готшальк гурухи Венгрияда талон-торожни бошлади. Дунай бўйлаб харакатла-наётган салибчиларга Ниш якинида болгарлар, венгерлар ва византияликларнинг бирлашган кўшини какшаткич зарба берди. Оломоннинг тахминан тўртдан бири кирилди, колганлар деярли талафотсиз августда Константинополга етиб келди. Кейинрок бу йўлдан Пётр ва Вальтер бошлик оломон ўтди. Улар олдингилардан ибрат олиб Венгрияда тартибни бузишмади. Бирок Болгария чегарасида душманона ўтиб олишди. Улар чегара бўйлаб Византия империясига келишди. Кўп йўкотишларга карамай, салибчилар сони 180 минг кишини ташкил этарди. Алексей Комнин Пётрга элчи юбориб, тартибни саклаган холда Константинополга тезда келишса, барча зарур нарсалар билан таъминлашини билдирди. Хакикатан хам салибчилар белгиланган жойларда озик-овкатлар билан таъминланди, ўша ер ахолиси уларга яхши муносабатда бўлди. Пётр факат Адрианополда икки кун тўхтаб, 1096 йил 1 август куни Константинополга етиб келди. Бу ерда унга Вальтернинг колган-кутган гурухи бирлашди. Император уларга белгиланган жойда рицарларни кутишни, бу холатда туркларни енгиб бўлмаслигини тушунтирди. Пётр билан сухбатлашгач унинг бир хаёлпараст эканини тезда пайкади ва совгалар бериб кўшинига шахарда зўравонлик килмасликни буюришини уктирди. Салибчилар шахар кўчаларида юриб ажойиботлардан кўзлари ўйнаб кетди. Сотиб олишга пуллари бўлмагани учун, куч ишлатиб тортиб олишга харакат килишди. Шунингдек, хавфсизлик ходимлари билан жанжаллар уюштиришди. Салибчилар назарида, улар христианлар душманларига карши курашдан куч билан ушлаб колинганди. Византия императори безорилардан тезрок кутулиш учун уларни Босфор оркали Кичик Осиёга ўтказиб кўйди.
Салибчилар Никеядан шимоли-гарбдаги Еленополга ўрнашишди. Бу ер салжукийларга карашли бўлиб, салибчилар эхтиёт чораларини кўришлари талаб этиларди. Лекин ўзбошимча оломон Пётрнинг буйругига итоат килмай атрофдаги манзилгохларни талашга тушди. Бир гурух салибчилар Никея якинида турк бўлинмаларини маглуб этди. Пётр булар билан бирор натижага эришишга кўзи етмай рицарларни кутиш учун Константинополга кайтиб кетди. Орадан кўп ўтмай салибчилар халокатга учради. Рено де Брей бошлик катта гурух Салжукийлар давлати пойтахти Никеяга юриш бошлади, йўлдаги оз сонли турк гарнизонини енгиб Ксеригордон калъасини босиб олди. Лекин султон Килич Арслон калъани сув билан таъминлайдиган манбаларидан махрум килгач, калъани топширишга тўгри келди. Кейин султон салибчилар лагерига жосусларни юбориб Никея эгаллангани хакида маълумот таркатишни буюрди. Еленополдаги салибчилар лагерида Никея турклардан тортиб олингани хакида ёлгон хабар таркалди. Ўлжалардан курук колмаслик максадида барча Никеяга ошикди. Салибчилар хийлага учиб 21 октябрь куни турклар томонидан Никея ва Дракон манзилгохлари орасидаги тор водийга кўйилган копконга тушиб колишди. Тахминан 25 октябрь куни салибчилар батамом тор-мор этилди. Улкан оломондан факат 30 минг киши кутулиб колган, улар Босфор оркали грек кайикларида Византия империяси худудига аранг кочиб ўтишди.

**Биринчи салиб юриши (1096 - 1099)**

**Юриш учун кўшин тўплаш.** Биринчи салиб юришида кироллар иштирок этмади. Графлар, герцоглар ва князлар катнашди. 1096 йилги оломон уюштирган салиб юриши давом этаётган пайтда, Европанинг турли ерларидан йигилган рицарлардан тузилган мунтазам кўшин юришга тайёрлана бошлади. Граф Раймунд Тулузский папа легати Адемар Монтейльский ва епископ Ле-Пюи билан биргаликда Прованс рицарларига, князь Боумэнд Тарентский ва унинг кариндоши Танкред Жанубий Италия норманларига, ака-ука Готфрид, Эсташ ва Болдуин Булонский лотарингияликларга, Роберт Фландрийский, Роберт Нормандский, граф Стефан Блуаский ва Гуго Вермандау (Франция кироли Филипп I нинг кичик укаси) Шимолий Франция рицарларига кўмондонлик килди.
Константинополдан йўлга чиккан харбийларнинг умумий сони 300 мингга етарди. Кўшинга хизмат киладиган яна 300 мингга якин кора ишчилар, аёллар ва болалар хам бўлгани хисобга олинса, хар холда, салибчиларнинг умумий сони ярим миллиондан ортган.
Турли хил кўшинлар тўртта йўналиш бўйлаб Константинополда тўпланди. Готфрид ва Болдуин ўз кўшинлари ва бошка немис бўлинмалари билан Дунай водийси бўйлаб Венгрия, Сербия ва Болгариядан ўтишди. Йўлда махаллий кўшин билан тўкнашувлар юз берди. Бу гурух биринчи бўлиб Константинополга етиб келди ва киш бўйи шахар ташкарисида турди. Епископ Адемар, граф Раймунд ва бошкалар Жанубий Франциядан йўлга чикиб Шимолий Италия оркали Константинополга келишди. Гуга, иккала Роберт ва Этьен ўз кўшини билан Англия ва Шимолий Франциядан йўлга тушиб Алп оркали ўтишди ва Италия бўйлаб жанубга юришди. Хамрохларини Жанубий Италияда кишлаш учун колдириб Константинополь томон юрган Гуго кемаси халокатга учради, уни византияликлар куткариб колишди ва пойтахтга жўнатишди. Гуго императорнинг кўлида гаров бўлиб колди. Бахорда иккала Роберт ва Этьен Адриатикадан ўтиб Дураццода тўхташди ва Константинополга йўл олишди. Худди шу йўл оркали Сицилиядан Боумэнд ва Танреднинг норманлардан иборат кўшини хам юрди.
Турли йўллар оркали Константинополда тўпланган салибчилар сони 300 мингга етди. Салибчилар Алексейга истило килинажак худудлар Византия империясига ўтишини айтиб касамёд этишди. Ўз бўлинмасини бошкараётган феодал бошкасига бўйсунишни хохламасди ва ўзича мустакил харакат киларди.
1097 йил апрелда салибчилар Босфордан ўтди. Кичик Осиёни кесиб ўтаётган салибчилар иссикдан ва сувсизликдан каттик азият чекишди. Баъзилар кийинчиликларга дош беролмай халок бўлди, кўплаб отлар кирилди. Салибчилар махаллий христианлар ва ўз юртларидан юборилган маблаг эвазига кун кечиришди. Лекин улар кўпинча йўлларида учраган манзилгохларни талаб эхтиёжларини кондиришди. Кўшиннинг умумий бошлиги хакида кескин тортишувлар борарди.
Болдуин Булонский салибчилар сафини тарк этиб, Киликия оркали 1098 йил бошида Эдессага келди ва махаллий хукмдор Тортосанинг ишончига кириб унинг вориси этиб тайинланди. Ўша йили Тортосани эдессаликлар ўлдиришди, Болдуин эса салибчиларнинг биринчи тузган давлати хукмдори бўлиб колди.

**Никея камали (1097 йил 14 май - 19 июнь)**

Никея (хозирги Туркиянинг шимоли-гарбидаги Изник) шахар-калъаси жуда мустахкам эди. Авваллари Никея Византия империясига карашли эди, лекин 1077/1078 йили

салжукийлар шахарни эгаллаб Рум султонлигининг пойтахтига айлантиришди. 1096 йили оломон салиб юришини осонликча маглуб этган Килич Арслон салибчиларнинг иккинчи юришини писанд килмай Шаркий Анатолиядаги донишмандийлардан Мелитен шахрини тортиб олиш учун кетганди. Оиласи ва хазинаси эса колганди.
**Камал.** Тирик колган салибчилар Пётр бошчилигида 1097 йил апрель ойи охирида Константинополдан йўлга чикишди. Дастлаб Шахар остоналарида 6 май куни Готфрид Бульонский пайдо бўлиб, Шахарни шимолдан камал килди. Кейин Боумэнд Тарентский, унинг жияни Танкред (улар Никея жанубидаги лагерни тор-мор этишганди), Роберт Нормандский, Роберт Фландрийский ва юришнинг бошка Иштирокчилари келишди. Охири 16 май куни Раймунд Тулузский келиб шахарни жанубдан камал килди. Бирок Никеяни куршаб киритишнинг иложи бўлмади. Салибчилар факат курукликдаги йўлларда Назоратни кўлга олишган, кўлда назорат ўрната билишмади.
21 май куни, камалдан бир хафта ўтгач, шахарга салжукийлар кайтди. Граф Тулузскийнинг келганидан бехабар туркпар салибчиларга жанубдан хужум килишди. Лекин Роберт Фландрийский Боумэнд Тарантский ва Готфрид Бульонский гурухлари билан тўкнашишди. Салибчилар 3000 киши йўкотди, турклар эса 4000 кишидан ажралди. Салибчиларнинг шахарни олиш учун кейинги харакатлари фойда бермади. Улар, туркларга тўхтовсиз ёрдам келиб турган Аскан кўлида назорат ўрнатилсагина, шахарни олишларини пайкаб колишди. Бунинг учун Византия императори флот билан ёрдам берди ва 17 июнда Мануил Вутумит хамда Татикий бошчилигида бўлинма жўнатди. Кўлда тўлик назорат ўрнатилди. Шундан сўнг салибчилар яна хужумга ўтишди.
Шу вактда Мануил Вутумит Алексей Комниннинг буйругига биноан камалдагилар билан шахарни топшириш хакида келишиб олди, келишув салибчилардан сир тутилди. Император салибчиларга унча ишонч билдирмади. 19 июнь куни император режасига кўра Татикий ва Мануил салибчиларга кўшилиб шахарга хужум килди, камалдагилар кутилмаганда таслим бўлиб, Мануил бўлинмаларини шахарга киргизишди. Гўёки византияликлар калъани кўлга олишди. Византияликларнинг шахарни олиши, ахоли император химоясига ўтиши салибчиларни коникмирмади, улар шахарни талон-торож этиб таъминот захираларини кўпайтиришни максад килишганди.
Мануил Витумит буйругига кўра шахарга салибчиларнинг ўн кишидан ортик гурухи кириши такикланди. Килич Арслоннинг оиласи Константинополга келтирилиб тўловсиз кўйиб юборилди. Император салибчилар газабини босиш учун уларга отлар ва катта маблаг берди. Боскинчилар шахарни ўзлари кўлга олишганда бундан кўпрок нарсага эга бўлишларини гапириб юришди. Колаверса, Мануил Константинополда императорга содикликка касамёд килишдан бош тортганларнинг шу ерда касамёд этишларини сўради. Танкред Тарентский мазкур талабни анча вакт бажармади, охир-окибат у ва Боумэнд касамёд килди.
Салибчилар 1 июль куни Дорилей жангида Килич Арслонни узил-кесил маглуб этишди ва Кичик Осиё оркали ўзларига йўл очишди Илгарилаган салибчилар туркпарга карши Кичик Арманистон князларидан иттифокчи топди. Бундай иттифокчи салибчиларга ўта зарур эди.

**Салибчиларнинг Антиохияни камал килиши (1097 йил 21 ктябрь - 1098 йил 2 июнь)**

Антиохия Ўрта ер денгизидан 20 км узокликда -Оронт дарёси бўйида бўлиб, Шаркий Ўрта ер денгизининг энг мухим шахарларидан бири эди. Шахар 1085 йили салжукийлар

томонидан эгалланган, 1088 йилдан бошлаб амир ёгий Сион кўл Востида эди. У салибчилар томонидан бўладиган хатарни хис килиб I кўшни мусулмон давлатлардан ёрдам сўради. Лекин ёрдамни тезда олгани йўк. Ибн Асирга кўра, Антиохия патриархи Иоанн Окситни хибсга олди хамда православ грек ва арманларни кувди.
Салибчилар 1097 йил октябрда Оронт дарёси водийсига келишди. Раймунд Тулузский Антиохияни зудлик билан ўкка тутишни таклиф килди. Готфрид Бульонский ва Боумэнд Тарентский эса камални маъкул кўрди. Ахийри 1097 йил 21 октябрь куни Антиохия камали бошланди. Салибчилар шахар умумий деворининг бор-йўги чорак кисмини камал килишди, бу эса шахардагиларнинг бутун камал давомида озик-овкат билан таъминланишига ёрдам берди.
**Камал.** Дастлаб камал муваффакиятли давом этди. Ноябрь |ўрталарида эса Антиохия остоналарига Боумэнднинг жияни Танкред Тарентский етиб келди. Бутун куз давомида салибчиларда озик-овкат танкислиги бўлмади. 17 ноябрь куни 14 та Генуя кемаси салибчиларга кўшимча озик-овкат келтирди. Лекин киш бошланиши билан, вазият ўзгарди. Декабрда Готфрид Бульонский касалланиб колди. Декабрь сўнгида Боумэнд Туринский ва Роберт Фландрийский вазиятни ўнглаш учун кетишди. 29 декабрь куни калъа химоячилари шахар деворларидан тушиб Раймунд Тулузский лагерига хужум килди. Салибчилар кутилмаган хамладан катта талафот кўришларига карамай, хужумни кайтара олишди. Айни вактда, Боумэнд Тарентский ва Роберт Фландрийский кўшини камалдаги Антиохияга ёрдам бериш максадида йўлга чиккан Дамашк хукмдори Дукак Малик кўшини билан тўкнашди (Ёгий Сионнинг ўгли Шамсиддин камал бошланишидан олдин шахарни тарк этиб, Дамашкка борганди). 1097 йил 31 декабрь кунги жанг хар икки томоннинг ўз  ерларига кетиши билан тугади. Дукак Малик Дамашкка, салибчилар Антиохияга йўл олди.
**Очарчилик**. Кишнинг ўрталарига келиб салибчилар очарчилик домига тушиб колди. Улар эшаклар ва отларни еб жон саклашди. Бу очарчиликда боскинчиларнинг тахминан 1/7 кисми халок бўлди. Озик-овкатни арманлар ва сурёнийлардан сотиб олиш мумкин эди, лекин улар махсулот учун ўта киммат нарх кўйишгани сабабли, салибчилар очдан ўлишга хукм килинганди. Бундай огир шароит салибчилар орасида кочоклар пайдо бўлишига олиб келди. Жумладан, 1098 йил январда Пётр хам кочганди, лекин кўп ўтмай уларни Танкред Тарентский кайтартириб келди.
**Татикийнинг кочиши.** Февралда кутилмаганда императорнинг салиб кўшинидаги вакили Татикий лагерни тарк этди. Татикийнинг лагердан кетиши унчалик аник эмас, лекин унинг кочиши бундан кейин истило килинажак ерлар салибчиларга ўтишини билдирарди.
Мазкур вокеадан сўнг Оронт дарёси бўйида ўз кўшнисига ёрдам беришни хохлаган Халаб амири Ризвон кўшини пайдо бўлди. 9 февраль куни Боумэнд ва Ризвон ўртасидаги жангда салибчиларнинг кўли баланд келди.
**Англия ёрдами.** 1098 йил мартда Константинополдан Симеон бандаргохига Англия кироли Эдгард Этлинг флоти етиб келди. Инглизлар салибчиларга зарур бўлган камал куролларини келтиришганди. Куролларни Антиохияга келтираётиб Раймунд ва Боумэнд йўлда Ёгий Сионнинг хужумига учради. Бу тўкнашувда турклар беш юзга якин салибчини халок этишди. Лекин Готфрид ёрдамга келиб хужумни кайтарди.
Апрелда салибчилар кароргохига фотимийлардан элчилар келди Улар салжукийларга карши иттифок тузишга умид килишарди. Элчилар билан музокара олиб боришга Пётрни жўнатишди. Фотимийлар салибчиларга Сурияни бериш эвазига фотимийлар

Фаластинига хужум килмасликларини такпиф этишди. Бундай таклифларнинг салибчиларга кераги йўк эди, чунки уларнинг асосий максади Куддусни эгаллаш эди. Музокаралар натижасиз тугасада, салибчилар мартда салжукийлардан тортиб олинган кимматбахо нарсалар билан элчиларни сийлади.
Антиохиянинг кулаши. Бахор тугаб борар, камалдан бирор наф чикмаётганди. 1098 йил май ойида Мосул амири Кербоги кўшини Антиохияга келаётгани хакида хабар таркалди. Бу сафар Кербоги кўшинига Халаб ва Дамашк амирлари хам бирлашишганди. Шунингдек, Форсдан отликлар, Месопотамиядан ортукийлар кўшилганди Кербоги Антиохияга юришдан олдин Эдессани Болдуин Булонскийдан тортиб олиш учун уч хафта вакт сарфлади. Эдессани олишнинг иложи бўлмади. Салибчилар Кербоги келишидан олдин Антиохияни эгаллаш лозимлигини англаб етишди. Боумэнд куролсоз арман билан алока ўрнатиб, уни шахар дарвозаларидан бирини очишга кўндирди. Камал тугаши якинлашишига карамай, салибчилар кўшинини Франциядан келганлар, жумладан, Стефан Блуасский тарк этди.
2 июнь куни кечаси шарт бўйича куролсоз арман келишилган вактда Боумэнд кўшинини девордан чикарди. 3 июнь эрталаб салибчилар жангга чорловчи барабанларини чалишди. Буни кутмаган камалдагилар саросимага тушиб колди. Саккиз ой давомида Антиохияни олиш иштиёкида юрган салибчилар шахарга киришлари биланок киргинни бошлаб юборишди. Тонгдаги барабанлар товуши Сионни уйготиб юборди. Унга калъа забт этилганга ўхшайди дейишди. Сион 30 нафар жангчиси билан шахарни ташлаб кетди, лекин Антиохиядан хеч канча узоклашмай мусулмонларни, оиласини ва болаларини ташлаб кетганидан афсуслана бошлади. Хамрохлари уни тарк этди, ўша куни Антиохия хукмдори махаллий арманлар томонидан ўлдирилди.

**Мусулмонларнинг Антиохияни камал килиши (1098 йил 7 июнь - 28 июнь)**

3 июнь кечга бориб салибчилар Антиохиянинг катта кисмида назорат ўрнатишди. Факат Шамсиддин эгаллаб турган шахарнинг жанубий кисми мусулмонлар кўлида колди. Икки кундан сўнг шахарга Кербоги кўшини етиб келди. 7 июнда Кербоги шахарни хужум билан олишга уриниб кўрди, бирок бундан наф чикмади, 9 июнь куни шахарни камал килди. Салибчилар кийин ахволга тушиб Антиохиядан кета бошлашди ва Тарсусда турган Стефан Блуасский кўшинига бориб кўшилишди. Стефан Кербогининг хужумидан ва мусулмон кўшинининг кучлилигидан хабардор бўлди. У Константинополга бораётиб салибчиларга ёрдам бериш учун келаётган Византия империяси кўшини каршисидан чикди. Император Стефаннинг Антиохия бой берилгани тўгрисидаги маълумотига ишониб ортига кайтди. Салибчилар камалда колиб кетди.
27 июнда Боумэнд Пётрни музокара олиб бориш учун Кербоги кароргохига юборди. Лекин музокарага киришишнинг иложи бўлмади ва жанг юз бериши ойдинлашиб колди. Боумэнд кўшинини кисмга таксимлаб, улардан бирини ўзи бошкарди. Колган гурухларни Готфрид Бульонский, Гуго Вермандуа билан Роберт Фландрийский, Роберт Нормандский, Адемар Монтейльский ва Танкред Тарентский билан Гастон Беарнский бошкарадиган бўлди. Антиохиядаги в салжукийларнинг худудини назорат килиб туриш учун 200 киши билан Раймунд Тулузский колдирилди.
**Антиохия учун жанг.** 28 июнь душанба куни эрталаб жангга 1 тайёр бўлган салибчилар шахардан чикишди. Кербоги осонлик билан галаба козонишни мўлжаллаб саркардаларининг маслахатига кулок солмади ва хар бир бўлинмага алохида эмас, балки

бутун кўшинга ялпи хужум килишни режалаштирди. У хийла ишлатиб кўшинига чекинишни буюрди, бу билан жанг килиш учун салибчи-ларни кулай вазитга олиб чикмокчи эди. Турклар камондан ўк отиб ён-атрофдаги тепаликларга чекина бошлади. Салибчилар катта талафот кўришларига карамай хужумга ўтишди. Кутилмаганда Кербоги кўшини маглуб бўлди.
Антиохия кулагандан сўнг. Салибчилар шахарга кайтишгач мусулмонлар кўриклаётган худудга бориб музокара бошлашди. Бу вактда худудни Шамсиддин эмас, Кербоги тайинлаган Ахмад ибн Марвон бошкарарди. Бошка чора йўклиги сабаб, Ахмад ибн Марвон Боумэндга таслим бўлди.
Июлда Антиохияда эпидемия (тиф бўлиш эхтимоли кўпрок) бошланиб, 1 августда епископ Адемарни хаётдан олиб кетди. 11 сентябрь куни салибчилар Урбан II га мактуб йўллаб Антиохия бошига ўтишни сўрашди, лекин папа унамади. Салибчилар етарли таъминот захираларига эга бўлмасалар хам, 1098 йил кузига бориб Антиохияни тўлик назоратларига олишди. Салибчилар кўшинида Куддусни олиш чўзилиб кетаётганидан норозилик ортиб борди. Ноябрда Раймунд Боумэнд талабини кондириб Антиохияни унга топширди. 1099 йил бошида Боумэнд Антиохия князи деб эълон килингач, салибчилар кўшини Куддус томон харакатланди.
Салибчилар 1097 йил 26 июнда Никеядан Антиохияга караб йўлга чикишди. Никеянинг кулаши уларни рухлантириб юборганди. Кўшиннинг илгор кисмида Боумэнд Тарентский, Танкред, Роберт Нормандский ва Роберт Фландрийский борарди. Ортидан Готфрид Бульонский, Раймунд Тулузский, Болдуин Бульонский, Стефан Блуасский ва Гуго Вермандуа харакатланди. Бундан ташкари, Византия императори Алексей Комнин ўз вакили Татикийни Византияга карашли шахарларни кайтариш хакидаги битимни назорат килиш учун юришга кўшиб жўнатди.

**Куддуснинг салибчилар томонидан камал килиниши (1099 йил 7 июнь - 15 июль)**

1098 йил ноябрда граф Раймунд Тулузский ва унинг кўл остидаги рицарлар Антиохиядан жанубигарбдаги Маарра шахрига караб силтишди ва 24 ноябрь куни шахарни камал килишди. Орадан кўп ўтмай улар сафига Боумэнд Тарентскийнинг норманлардан ташкил топган бўлинмаси кўшилди. Икки томондан хужумга учраган химоячилар калъани мухофаза кила олишмади ва 1098 йил 11 декабрь куни салибчилар шахарни забт этди. Деярли бутун ахоли кириб ташланди.
1099 йил 13 январда салибчилар Куддусни истило килиш учун харакат бошлади. Ўрта ер денгизи сохили бўйлаб юрган фотихлар йўлда умуман каршиликка учрамади. Вактдан ютказмаслик учун Тир, Аккра ва Кессарияни камал килмай четлаб ўтишди. Рамлага етиб келган салибчилар ўртасида яна тушунмовчиликлар бошлан-ди. Улар Дамашкка ёки Кохирага юриш хакида тортишишди, охири Куддусга юришни давом эттиришга карор килишди.
1099 йил 7 июнь сешанба куни Куддусга етиб келдилар. Роберт Нормандский лагери Стефан черковининг шимолий томонида, ун-дан нарирокда Роберт Фландрийский бўлинмаси ўрнашди. Готфрид Бульонский ва Танкред Тарентский гурухлари Довуд минораси ва Яффа дарвозалари каршисида жойлашди. Жанубда Сино тогидаги Мария черкови якинида Раймунд Тулузский карор топди.
Антиохия камалида бўлгани каби, салибчилар катта кийинчилик-ларга учради. Шунга карамай, Куддусни мусулмонлардан тортиб олиш учун бирлашиб харакат килишди. 13

июнь куни шахар девори-ни эгаллашга уриниб кўришди. Калъа химоячилари хужумни кайтар-ди. 17 июнь куни Яффага Генуя кемалари озик-овкат ва камал куроллари билан етиб келди. Раймунд кемаларни химоялаш учун юзлаб рицарларини жўнатди, лекин йўлда куддусликларнинг пистирмасига дуч келдилар. Конли тўкнашувда кўплаб киши халок бўлди. Куддус камал куролларидан тинимсиз ўкка тутилди. Шахар атрофи хандак билан ўралгани боис, салибчилар 12 июль куни чукурларни тўлдиришга киришишди. 15 июль куни хандакни кўмиб ташлаб шахар деворларига якинлашишди. Шотиларни деворга кўйиб шахарга киришга уринишди. Биринчи бўлиб Куддусга рицар Летольд, кейин Готфрид Бульонский ва Танкред Тарентский кирди. Бошка томондан хужум килаётган Раймунд Тулузский салибчилар шахарга кирганини эшитгач зудпик билан жанубий дарвоза томон йўналди. Довуд минораси гарнизони амири шахар бой берилганини кўриб таслим бўлди ва Яффа дарвозасини очиб берди. Салибчилар Куддусга киришлари биланок хунрезликни бошлаб юборишди. Улар мусулмон ва яхудийлар катори махаллий христианларни хам кириб ташлади. 16 июль куни эрта тонгда барча нарса хал бўлди, камал вактида ва хунрезликда жами 70 мингга якин киши ўлганди.
Салибчилар Куддусни олишгач Куддус кироллигини ташкил килишди. Готфрид Бульонский биринчи кирол бўлди. Ўз мавкеини мустахкамлаш учун Боумэнд донишмандийларнинг Сивасдаги амири Малик Гозийга хужум килди. Салибчилар Куддусга юриш килаётганда донишмандийларни четлаб ўтишганди, улар вазиятдан фойдаланиб 1101 йилга келганда Кичик Осиёнинг энг кучли давлатига айланишган. Боумэнд Малатиядаги арман князининг илтимосига кўра Малик Гозийга хужум килди, у жуда кучли турк бўлинмалар билан тўкнашиб маглубиятга учра-ди ва рицарлари билан асирга олиниб Неокасесарияда тўрт йил (1101 - 1104) сакланди. Арман князи пул тўлаб уни асирликдан куткарди.
**Аскалон жанги.** 1099 йил 12 август куни мисрликлар ва сурияликларнинг бирлашган кўшини Готфрид Бульонский, Раймунд Тулузский, Танкред Тарентский, Роберт Нормандский бошлик салиб кўшини билан тўкнашди. Мусулмонларнинг кўшини сон жихатдан кўп бўлишига карамай енгилди.
Томонлар содир этган харбий жиноятлар. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, салибчилар томонидан хам, уларга каршилик килганлар томонидан хам киргинлар уюштирилган. Лекин мазкур ходисалар ўрта асрларда бошка минтакаларда хам кузатилган, баъзи тарихчилар фикрича, у даврда «харбий жиноят» деган тушунча мавжуд бўлмаган.

**1100-1101 йиллардаги салиб юриши**

Юртига кайтган салибчилар кўрган-кечирган кийинчиликпарини окизмай-томизмай айтиб беришига карамай, Европада ерсиз колган ва кашшоклашган рицар сулолалари шон-шухрат ва мол-мулкка эришиш учун салиб юришига тайёрлана бошлади. 1100 йили Миланда архиепископ Анселм томонидан салиб юриши учун ломбардлардан кўшин тўпланди. Италия, Франция ва Германия баронлари 300 минг кишини тўплай олишди. Олдинги салибчилар йўлидан Константинополга келишди.
Алексей I салибчиларни Константинополь ташкарисига жойлаштирди. Тезрок Босфордан ўтказиб кўйишларини талаб килиб тартибсизликлар уюштиришгани учун, император тезда уларни Ни-комедияга ўтказдириб кўйди. 1101 йилнинг май ойида улар французлар, бургундияликлар ва немислар билан бирлашишди. Боумэнднинг

асирдалигидан хабар топган салибчилар аввал уни озод этишга карор килишди. Бирлашган кўшин майнинг охирида Кўняга караб юрди. Йўлларидаги Кастамон шахрини босиб олишга уринишди. Лекин бир хафта мобайнида туркларнинг тинимсиз хужумларига учраб июлда маглубиятга учрашди.
Бутун кўшин ортга кайтиб Кора денгиз бўйлаб шаркка - донишмандийларга карши юрди. Килич Арслон уларни тор-мор келтириш учун донишмандийларнинг рахбарлари ва Халаб амири Ризвон билан бирлашди. Салибчилар августда мусулмонларнинг бирлашган кўшини билан Марзивонда тўкнашди.
Марзивон жанги. Салибчилар беш кисмга бўлинди: бургундияликлар, Раймунд ва византияликлар, немислар, французлар ва ломбардпар. Турклар Пафлагония тоглари якинидаги Марзивонда I салибчиларга какшаткич зарба берди. Жанг бир неча кун давом этган. Жангнинг биринчи ва иккинчи кунлари турклар ўзлари урушган бўлса, учинчи куни кечга якин уларга донишмандийлар ва Халаб кўшини кўшилди. Шундан сўнг аввал ломбардлар кўшини огир В ахволда колди, сўнг немис ва французлар чекинишга мажбур бўлди. Кейинги куни рицарлар тўла маглубиятга учраб лагерларини ташлаб кочишди, бола-чакалари ва улар билан келган черков намояндалари асирга тушди. Тирик колганларнинг бир кисми Константинополга I кетган бўлса, колганлари Антиохия ва Куддусга боришди.
1101 йилги юриш халокатга учрагач, Сурияга ўрнашиб олган салибчилар кўшни мусулмон давлатларига карши курашишга мажбур бўлди. Колаверса, улар 1099 йил бахоридан греклар билан денгизбўйи шахарлари устидан хукмронлик ўрнатиш учун кураш бошлашганди. Нихоят, салибчилар орасида ўзаро кураш бошланди.
Якинда ташкил этилган тамплиер ва госпитальер рицарлари Куддус кироллигини кўллаб-кувватларди.

## Салибчилар барпо килган давлатлар

Салибчилар истило килган ўлкаларида тўртта давлат тузишди. Улар хакида куйида кискача маълумот берилади. Бу кейинги салиб юришлари хамда XII ва XIII асрларда Гарбий Осиёдаги вазиятни тасаввур килишга ёрдам беради.
**Эдесса графлиги** - салибчилар томонидан тузилган биринчи давлат, 1098- 1146 йилларда фаолият кўрсатган.
Салибчилар Антиохияга юриш бошлашганда, Болдуин Бульонский улардан ажраган, 60 нафар отлик аскари хамрохлигида Эдессага 1098 йил 6 февраль куни етиб бориб, махаллий хукмдорнинг ишончига кирганди. У ўлдирилгандан сўнг, Болдуин Эдесса хукмдори бўлди ва янги Эдесса графлиги ташкил этилганини маълум килди. 1 1100 йили акаси Готфрид Бульонскийнинг вафотидан сўнг Болдуин Куддус кироллиги тахтини эгаллади. Эдесса графлиги эса бошка К укаси Болдуин де Буркега ўтди ва у Болдуин II

номи билан графликни бошкарди. Унга Жослен де Куртен назоратидаги Фуротдаги Турбессель калъаси хам кўшиб берилди.
**Ахолиси ва географияси.** Графликка карашли ерлар денгизга туташмаганди. Ахоли Эдессанинг ўзида 10 минг кишидан ошмасди, бошка калъаларда эса, асосан, калъа гарнизони бор эди. Графлик энг кучли даврида гарбда Антиохия ва Киликия, шаркда Фурот дарёсигача чўзилган. Жанубда эса Халаб ва Мосул мусулмон давлатлари билан чегарадош эди. Графлик ахолиси, асосан, сурияликлар, яъкубийлар ва христиан-григорианлардан иборат бўлиб, оз микдорда мусулмонлар, православ греклар яшарди.
Эдесса графлиги 1104 йили Мосулдан келган салжукийлар кўшини томонидан маглуб этилди. Жослен ва Болдуин асирга тушди. Улар озод килингунча, Эдессани Боумэнднинг акаси Танкред Тарентский бошкарди. Болдуин асирликдан озод бўлиб Эдессага кайтгач Танкредни куч ишлатиш йўли билангина четлата олди.
**Харран жанги.** 1110 йили Фуротдан шаркдаги барча худудлар Мосул отабеги Мавдуд томонидан забт этилди. Эдесса ва бошка мустахкам шахарлар салибчилар кўлида бўлсада, калъалар хужумга учраб турарди. 1118 йил Болдуин I вафот этгач, Болдуин II Куддус кироли бўлиб олди. 1119 йили Эдесса графлиги Жослен де Куртеньега ўтди. 1122 йили Жослен мусулмонларга яна асир тушди. Эдесса хавфсизлигини таъминлаш учун шимолга юрди, лекин графлик худудидан чикмай туриб асирга олинди. Орадан кўп ўтмай, 1123 йили, Жослен, кейинрок Болдуин озод этилди.
**Графликнинг кулаши.** 1131 йили Жослен де Куртенье жанг майдонида ўлди. Унинг ўгли Жослен II граф бўлди. Шу пайтда Халаб ва Мосулни бирлаштирган Зангий томонидан катта хавф юзага келди. Жослен II Триполи графлиги билан курашаётгани учун улар билан иттифок тузиб ёрдам олишдан махрум бўлди. 1144 йил Зангий Эдессани камал килди. Камал бир ой давом этиб, калъа 24 декабрь куни кўлга киритилди. Жослен Турбесселдан туриб Эдесса графлигини бошкаришда давом этди. Орадан кўп ўтмай Зангий кули томонидан ўлдирилди. Жослен бундан фойдаланиб Эдессани кайтариб олишга харакат килди, лекин 1146 йил ноябрда Нуриддиндан маглубиятга учраб тасодиф туфайли асирга тушмади. Жослен барибир 1150 йили мусулмонларга асир тушди ва 1159 йили вафот этгунча Халабда сакланди. Унинг хотини Византия императори Мануил Комнинга Турбессел ва унга карашли ерларни сотиб юборди, лекин орадан бир йил ўтгач мазкур худудлар Нуриддин томонидан забт этилди.
**Антиохия князлиги** - биринчи салиб юришидан сўнг салибчилар курган иккинчи давлат. 1098- 1268 йилларда мавжуд бўлган.
**Географияси ва ахолиси.** Антиохия князлиги салиб давлатлари орасида худуди бўйича учинчи ўринда турган. Князлик Ўрта ер денгизининг шимоли-шаркий сохилларида жойлашган бўлиб, шимолда Киликия шохлиги ва Эдесса графлиги, жанубда Триполи графлиги билан чегарадош эди. XII асрда ахолиси 20 мингдан ортар, асосий кисми арманлар ва православ грекларидан иборат эди. Колаверса, шахар ташкарисида бир канча мусулмон жамоалари истикомат килган. Антиохиядаги салибчилар, асосан, Нормандия ва Жанубий Италиядан келганлар эди.
Антиохия иккинчи салиб юриши вактида Халаб амири Нуриддин хужумига учради. Натижада князликнинг шаркий худудлари тортиб олинди. Князлик 1153 йилдан Византия империяси вассалига айланди. 1164 йилги Харим жангида салибчилар маглуб бўлишгач, Халаб ва Антиохия чегаралари Оронт дарёсидан ўтадиган бўлди. 1180 йили Византия империяси ва Антиохия ўртасидаги иттифок тўхтади. Князлик итальян флоти

ёрдамида 1187 йилги Салохиддин Айюбий хужумини кайтарди. Триполи графлиги каби учинчи салиб юриши (1189- 1192)да катнашмади. Лекин 1190 йили Фридрих Барбароссани дафн килиш учун келган салибчилар билан кўришишди.
Мамлуклар ва мўгуллар ўртасидаги курашда Антиохия мўгуллар томонида бўлди. Лекин 1260 йилги Айну Жолутдаги мўгулларнинг маглубиятидан сўнг князлик 1268 йили султон Байбарснинг хужумига учради. Байбарс Антиохияни олиб салибчилар хукмронлигига нукта кўйди ва Шимолий Сурия устидан тўлик назорат ўрнатди.

**Куддус кироллиги**

Биринчи салиб юришидан сўнг салибчилар ташкил килган кироллик. Кироллик 1099 -1291 йилларда фаолият кўрсатган. Пойтахти - Куддус (1099- 1187), Тир(1187- 1191), Аккра (1191-1229), Куддус (1229 - 1244), Аккра (1244 -1291). Давлат тузуми - монархия.
Кироллик Готфрид Бульонский томонидан 1099 йили тузилди. У бир йилдан сўнг вафот этди, ўрнига Болдуин I кирол бўлди.
Болдуин даврида кироллик худуди Аккра, Сидон ва Байрут шахарлари хисобига кенгайди. Куддус ахолиси кириб ташлангани учун, унинг даврида ахоли Европадан кўчириб келтирилди. 1070 йилдаёк Куддусда госпитальерлар зиёратчилар учун госпитал куришганди. Монахпарнинг бошка ордени тамплиерлар Ал-Аксо масжиди атрофига ўрнашишди. Болдуин 1118 йили вафот этгач, Эдесса графи Болдуин де Бурк Болдуин II номи билан тахтга ўтирди.
У салжукийларга бир неча бор асирга тушганига карамай, кироллик худуди кенгайиб борди, 1224 йили Тир шахри салибчилар давлатига ўтди.
Киролликдаги ижтимоий хаёт. Фаластинда тугилиб ўсган янги авлод мукаддас заминни ўзининг ватани деб билар ва Европадан келаётган салибчиларга салбий муносабатда бўларди. Улар кўпрок сурияликларга ўхшашарди, аксарияти грек, араб ва бошка шарк тилларини билган, грек ва арман аёлларига уйланишган. Бу ерда хам Гарбий Европадаги каби феодал тузуми ўрнатилганди. Бирок ерлар кам бўлгани сабабли, феодал тузум Европаникидан фаркли эди. Бу ерда феодаллар шахарларда истикомат килишган.
Куддусда мусулмонлар, яхудийлар ва православ христианлари яшаши такикланганди.
Фаластин Гарб ва Шарк ўртасида мухим бандаргохга айланди, энди италиялик савдогарлар салибчилар назоратидаги бандаргохларга келиб Европада тайёрланган махсулотларни Шаркка жўнатишарди. Савдо туфайли Италия шахар-давлатлари, айникса, Генуя ва Венеция жуда катта бойлик тўплашга эришди.
Кироллик кўшинида тамплиер ва госпитальер рицарлари мухим ўрин тутган. Кироллик иккинчи салиб юриши даврида фаол катнашди. 1187 йили Куддус Салохиддин Айюбий томонидан эгалланди. Учинчи салиб юриши эса айнан Куддусни кайтариб олиш учун уюштирилди.
Кироллик 1291 йили, султон Куловун Аккрани эгаллагандан сўнг, тугатилди. Куддус кироллигининг вассаллари куйидагилар эди:
1. Галилея князлиги (1099 - 1187). Куйидаги лордликпар князликнинг вассаллари бўлган:
**1)  Байрут лордлиги** (1110 - 1291), Байрут 1110 йили салибчилар томонидан истило килинган. Лордпик 1291 йил, Куддус кироллиги кулагунча, мавжуд бўлган.
А) Баниас лордлиги (1128 -1164) - Байрут лордлигининг вассали бўлиб, 1128 йили хашшошийлар Болдуин II га беришган. 1164 йили Нуриддин томонидан эгалланган.

Калъани салибчилар тортиб олгач, Жоселин III де Куртеньега карашли мулкларга кўшиб юборишди.
Б) Торон лордлиги - салибчилар курган калъа эди, 1187 йили Салохиддин Торонни босиб олди, 1191 йили унинг буйруги билан бузиб ташланган. Кейинрок худуд антиохияликлар кўлига ўтди, калъа 1266 йили салибчилардан тортиб олинган. Торонниң вассаллари Шатонеф (1105 йили курилган, кейин госпитальерларга берилган 1167 йили Нуриддин томонидан босиб олинган) ва Торон Ахмуд Байрут лордларига карашли бўлиб, 1261 йили тевтон рицарларига сотиб юборилганди.
**2) Назарет лордлиги** (1115 йили ташкил топган);
3) Хайфа лордлиги - Назарет архиепископи вассали эди.
2. Яффа ва Аскалон графлиги (1100 -1268). Яффа графлигини биринчи салиб юришидан сўнг Готфрид Бульонский ташкил килди. 1153 йили салибчилар Аскалонни олишгач Яффага кўшиб юборишди. Графлик 1268 йили султон Байбарс томонидан тугатилди. Графликнинг иккита вассали бор эди:
1) Рамла лордлиги - 1101 йили салибчилар томонидан истило килинган. Рамла 1126 йилдан Яффа графлигининг ажралмас кисмига айланди. 1134 йилдан графлик вассали бўлган холда Рамла лордлиги макомини олди. 1177 йили Рамла якинида Салохиддин мохов кирол Болдуин IV бошлик салибчилардан енгилганди. Лекин 1187 йили Салохиддин Рамлани ишгол этди. Учинчи салиб юриши давомида салибчилар уни кайтариб олишди;
2) Ибелин - 1141 йили Яффа ва Аскалон ўртасида курилган калъа. 1187 йили Салохиддин томонидан эгалланган. Олтинчи салиб юришидан сўнг, 1241 йили, салибчиларга кайтариб берилди.
Кейин, Яффа ва Аскалон графлиги кулагунча, фаолият кўрсатди.

**3. Сайда сеньорлиги** - Сайдани салибчилар 1110 йили эгаллаганди. Уни 1187 йили Салохиддин кайтариб олди ва 1197 йилгача мусулмонлар кўлида эди. Кейин салибчилар кўлида 1260 йилгача колди. Айн Жолут жанги пайтидан шахар мўгуллар томонидан вайрон этилган. Сайда кейин мамлукларга ўтди.
**Триполи графлиги** - Биринчи салиб юришидан сўнг Фаластинда салибчилар томонидан тузилган тўрт давлатдан бири. 1105-1289 йилларда мавжуд бўлган.
Графлик асосчиси Раймунд Тулузский хисобланади. Граф Фаластинда ўзининг ери бўлишини истарди. 1105 йили Триполи камали пайтида у вафот этди. Ворислари Триполини эгаллаб янги графлик тузишди.
Графлик 1289 йили, султон Куловун Триполини эгаллагач, туга-: тилди.
Фаластин биринчи ва иккинчи салиб юриши оралигида. Норвегларнинг салиб юриши (1107 - 1110). Юриш Норвегия кироли Сигурд I томонидан ташкиллаштирилди. Юришда, шунингдек, Куддус кироллиги (Болдуин I) ва Венеция Республикаси (Орделафо Фа-льеро) кўшини катнашди.
**Норвегларнинг Англияга келиши** (1107 -1108). Сигурднинг тахминан 5 минг кишилик кўшини 60 та кемада 1107 йил кузида Генрих хукмронлик килаётган Англияга келди. Норвеглар Англияда 1108 йил бахоригача туриб юришни давом эттиришди.
Иберия минтакасида (1108 - 1109). Салибчилар Галисиядаги Сан-Жеймс шахрига жойлашишди ва ўша ерда кишлашди. Кишга келиб кўшинда озик-овкат таъминотида етишмовчилик бошланди. Шахар лорди норвегларга озик-овкат сотмасликни буюрди. Бундан газабланган салибчилар лорд касрига хужум килиб талон-торож этишди.

Юриш давомида салибчилар денгиз карокчиларига йўликишди. Киска тўкнашувда карокчиларни маглуб этишди ва уларнинг 8 та кемасини кўлга киритишди. Шундан сўнг улар Андалусияга келиб Синтра калъасига (хозирги Синтра, Португалия) хужум килиб эгаллашди. Чўкинишни истамаганларни кириб ташлашди. Кейин ахолисининг ярми мусулмон, ярми христианлардан иборат Лиссабонга боришди. Улар билан уч марта тўкнашиб барчасида галаба козонишди ва катта ўлжага эга бўлишди. Кейин Ал-Касрдаги Алкассага юриб галабага эришишди ва шахар ахолисини киргин килишди.
Балеарда (1109). Норвеглар Гибралтардан ўтишда денгиз карокчилари билан тўкнашиб галабага эришишди ва Балеар оролларига етиб келишди. У ерда муваффакиятли харакат килиб арабларни енгишди. Лекин мустакил тоифа бўлмиш энг катта орол Майоркани эгаллашга журъатлари етмай хужум килишмади.
Сицилияда (1109 -1110). Салибчилар 1109 йил бахорида Рожер II  таклифига кўра Сицилияга келишди.
Фаластинда (1110). Нихоят, норвеглар 1110 йил бахорида Аккра (ёки Яффа)га етиб келишди ва Куддусга йўл олишди. Уларни Куддус кироли Болдуин илик кутиб олди. Болдуин Сигурд I билан Иордан дарёсига борди ва Куддусга кайтиб келди.
**Сайда камали** (1110). Норвегиядан келган салибчилар Сайдани камал килишда иштирок этишди. Шахар салибчилар томонидан истило килинди ва Сайда лордлиги тузилди. Норвеглар шундан сўнг ортга кайтишди. Улар Килрда киска муддат, сўнг Грециядаги портлардан бирида тўхташди. Сигурд у ерда кучли шамол бўлишини кута бошлади. Кучли шамол бошлангач, елканли кемалари билан Константинополга сузди. Барча Константинополь халки елканли кемаларни кўриш учун денгиз бўйига чопди. Уларни император Алексей I кутиб олди ва шахар портини очди.
**Салибчиларнинг Норвегияга кайтиши** (1110 - 1113). Сигурд ўзининг барча кемаларини ва кўлга киритган нарсаларини Византия императорига топширди, бунинг эвазига жуда кўп отларни олиб юртига курукликдан кетишга тайёргарлик кўрди. Салибчиларнинг бир кисми Византия империясида хизмат килиш учун колди. Сигурд Европа бўйлаб 3 йилга якин саёхат килди. Болгария ва Венгриядан ўтиб, Паннония, Швабия ва Баварияга келди. Баварияда Мукаддас Рим империяси хукмдори Лотар билан учрашди. Кейин Данияга келди ва кирол Ниле билан кўришди. Сигурд Ниле жихозлаган кемада Норвегияга етиб олди.
**Сармада жанги** - 1119 йил 28 июнь куни Халаб амири ва Антиохия князлиги ўртасида бўлиб ўтган жанг.
1117 йил майда ортукийлар сулоласидан бўлган отабек Гозий Халаб хукмдори бўлди. Салибчилар 1118 йили Халабдан шимолдаги Азазни истило этишди. 1119 йили салжукийлар Антиохияга хужум килди.
Рожернинг кўшини Артах калъасидан йўлга чикиб 20 июнь куни Сармада тогли йўли якинида ўрнашди. Патриархнинг Куддус ва Триполидан ёрдам олиш хакидаги маслахатини кабул килмади.
Отабек Гозий Дамашк амирининг мададини кутмай 27 июнь куни салибчилар лагерини куршаб олди. 28 июнь куни эрталаб салибчилар куршовда колганини тушунишди. Бор кучлари билан урушишларига карамай, какшаткич маглубиятга учрашди, салибчилар рахбари Рожер Саленский юзига урилган килич зарбидан халок бўлди. Бу жангда кўплаб салибчилар ўлгани учун, у «Конли майдондаги жанг»  деб хам номланади.
Жангда мусулмонлар галабага эришишига карамай, Антиохияни эгаллай олишмади. 14 август куни Гозий кўшини Антиохия якинида салибчилар томонидан чекинишга мажбур

килинди.

**Азаз жанги** - 1125 йил 11 июнь куни салибчилар ва салжукийлар ўртасида бўлиб ўтган жанг.

1223 йил 18 апрелда Куддус кироли Болдуин II Эдесса йўлида I асирга олинганди. 1124 йил 19 октябрь куни 80000 динор эвазига кўйиб юборилди. Орадан кўп ўтмай Болдуин Халабни камал килди. Мосул отабеги Бурзукий Халабга ёрдам бериш учун шошилди. Унинг хужумидан сўнг салибчилар камални тўхтатишга мажбур бўлишди.

Кейин Бурзукий Эдесса графлигига карашли Зерданни камал килди. Болдуин II, Жослен I ва Триполи графи Понс кўшини Бурзукий кўшини билан тўкнашди.

Болдуин кўшинини чекинтириб салжукийларни ўзи учун кулай ерга олиб чикишга эришди, кейин конли жанг бошланди, салжукийлар маглуб бўлишди. Салибчилар катта ўлжани кўлга киритган. Кейинчалик мазкур пуллар кўплаб асирларни озод килишга сарфланди, жумладан, Эдесса графи Жослен II ни хам.

Азаздаги галаба туфайли салибчилар Сармада жангидан сўнг бой берилган мавкеларини тиклашди. 1128 йили Халаб ва Дамашк саркарда Зангий кўл остида бирлашгач, салибчилар Суриянинг шимолидаги худудпар устидан назоратни йўкотиб боришди.

1127 йили Мосул амири бўлган Имодуддин салибчиларга катта хавф сола бошлади. У кўл остида салибчиларга кўшни бир канча худудпарни эгаллаб Суриянинг катта кисми ва деярли бутун Месопотамияни ўз ичига олган кучли давлат тузди. 1144 йили эса Эдессани кўлга киритди.

Эдессанинг бой берилиши хакидаги хабар Гарбга хам етиб бориб, у ерда иккинчи салиб юриши ўтказишга харакат бошланди. Бернард Клервосскийнинг таргиботи кирол Людовик VII бошчилигидаги француз рицарларини хаяжонга солиб, харакатга келтирди. Кейин Бернард немис императори Конрад III ни хам юришга жалб килди. Конрад билан бирга унинг жияни Фридрих Швабский ва кўплаб немис князлари иштирок этди.

“Шаркнинг машхур сулолалари” китобидан
Шодмон Вохидов
Алишўер Кодиров